Мамлакатимиз барча ҳудудларида ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўтасида умумтаълиш фанлари бўйича бу ўйлиги республика олимпиадасининг III (вилоят) босқичи қизғин ўтди. Үнда жойлардаги академик лицей ҳамда қасб-хунар коллежларининг 2- ва 3-босқич ўқувчилари 14 фан бўйича ўзаро беллашибди.

Хусусан, Кибрай молия иқтисодиёт коллежида пойтахт вилоятидаги академик лицей ҳамда қасб-хунар коллежларидан жамаати А19 нафар ўқувчи ўз иқтидорини намойиш этиб, голиблик шоҳсулласидан жой эгаллашга ҳаракат қилиди. Мазкур "тафаккур баҳси"-да ёш иқтидор соҳиблари ёзма иш ҳамда тест топшириди. Уларнинг ишларини вилоят ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасалари тажрибали ўқитувчилари, олий таълим мутахассислари профессор-

ўқитувчилари баҳолаб борди.

Таъкидлаш жоизки, мусобақа кунлари иштирокчилар учун барча қуалайликлар яратилди. Узоқ туманлардан келган йигит-қизлар ётоқхона ва иссиқ овқат билан таъминланди.

— Беллашиб натижаларига кўра айрим фанлар бўйича вилоятимиз ўқувчилари салоҳияти ўтган йилларга нисбатан ошган кўзга ташланди, — дейди вилоят ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими бошқармасининг мето-дик хизмат бўлими бошлини

Фотима Жуманова. — Масалан, география фанидан бу йилги 2-босқич ўқувчилари ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан юкори баҳоланди. Шунингдек, ўқувчиларнинг чет тили фанлари бўйича билимлари анча юксалгани кузатилди. Мутахассислар ўқувчиларимиз республика босқичида ҳам энг яхши натижаша кўрсатишига ишонч билдириди.

Мазкур беллашибуда голиб чиқсан 3-босқич ўқувчилари ўзига билдирилган ишончни оқлаш учун олимпиаданинг республика босқичида 1, 2, 3-ўрнлар учун имкониятларини ишга солса, биринчиликни олган 2-босқич ўқувчилари келаси йилги вилоят босқичида тўғридан-тўғри иштирок этади.

МУХБИРИМИЗ

Умумтаълим мактабларида ДТС талабларининг бажарилишини таҳлил қилиш, ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни анилаш, уларнинг иқтидор ва истеъоддини кўллаб-куватлашда билимлар беллашибу мухим аҳамиятга эга.

Зомин туманида ўтказилган беллашибунинг иккичи босқичида ҳам ўқувчилар 16 фан йўналишида ўзаро билим ва кўнімларини синовдан ўтказди. Иштирокчиларнинг биринчи ва иккичи турда фанлар кесимидан тинглаб тушуниш, ўқиб тушуниш бўйича, кейинги турда

Энг билимдонлар сараланмоқда

эса ёзма иш ва тест топшириклари бўйича билимлари синаиди.

— Мен таълим кирғиз тилида олиб бориладиган мактабда ўқииман, — дейди тумандаги 13-мактабнинг 8-синф ўқувчisi Барчиной Тошбоева. — Беллашибуда ўзбек тили бўйича ўзлашибирган билим, кўнімка ва малакаларимни синовдан ўтказдим. Топшириклар дарс ва машгулотлар жараёнидаги ўтилган мавзуларга оид экани боис, голиблар сафидан ўрин олиб, вилоят босқичига йўлланмани кўлга киритдим.

Билимлар беллашибу тегишили Низом талаблари асосида ташкил этилди. Ўқувчиларнинг билимларини тажрибали педагоглардан иборат ҳакамлар ҳайъати холисона баҳолаб борди.

Абдулсаттор СОДИКОВ

Жиззах вилояти

Ҳамиша қувнок кайфиятда яшанг!

Ажойиб ҳазиллар, ичакуди латифалару ҳангомалар, асия ва пайровлар кимга ҳам манзур бўлмайди, дейсиз? Гарчи дунёning кўплаб мамлакатларида апрель ойининг илк санаси кулги ва мутойиба куни деб белгиланса-да, аслида кулги шинавандалари учун йилнинг 365 куни табассум билан лиммо-лим ўтади. Тўғри, бу сана туфайли ҳеч бир мамлакатда дам олинмайди, лекин одамларнинг кайфияти байрамона бўлади.

Баъзан кулгили вазият тақозоси, баъзан эса ҳазил-мутойиблар сабаб юзимизга табассум юргуади. Аммо 1 апрелда кулиш учун баҳона шарт эмас. Боиси, сана-нинг ўзи кулгига башишади ва «Кулги», «Алдов», «Ҳазил куни» каби номлар билан аллади. Айрим манбаларга кўра, 1906 йили 1 апрелда кушларни ҳимоя қилишга доир ҳалқаро конвенция имзоланган. Яна шу кунни "Математика куни" деб билувчилар ҳам бор.

Аммо кўпчилик бу куни бир хил тушунади — ҳазил байрами. Мазкур сана мусобаби билан дўстлар, кариндошлар, касбдошлар, курсдошлар бир-бирiga савимий ҳазил йўллаши, шавну фурурга тегмайдиган, енгил ёғлонлар ишлатиши, турли ҳангомаларни саҳналаштириш билан атрофадигилар кайфиятини кўтариши аллақачон анъана тусига кирган.

Тарихий манбаларда келтирилишича, «апрель ҳазиллари»нинг қачон пайдо бўлгани борасида анике маълумот йўқ. Аммо ташминлар 1539 йилга ишора қиласди. Шунга кўра, Фламандия зодагонининг ўз хизматкорлари гигантларни топшириб берни кулги кунига асос бўлган. Колаверса, илк бора 1509 йилда француз шоирларидан бири «Poisson d'Avril» (Апрель ҳазиллари) ҳақида маълумот ёзил қолдирганига ҳам эътибор қартиши жоиз.

Бирок бу сана биринчи марта 1703 йили Москва шаҳрида оммавий тарзда нишонланган экан. Шу куни жарчилар шаҳарма-шахар юрил, кўчаларни кезиб, барчани «кўз кўриб, кулок эшишмаган томошаларга» чорлади. Якин атрофадиги инсонлар уларга жон деб кўшилади. «1 апрелда ҳеч кимга ишонма!», деган огохлантириш куни билан давом этувчи томошалар кўйилган саҳна пардасига ёзил кўйиларди.

Қаерда, қандай кулишади?

Кулги куни дунёning турли бурчакларида турличи ўтказилади. Сана ўзининг оммавий ҳамда жўшқинлиги, беғуборлиги билан бошқа кунлардан ажralib турди. Айниска, кўринишдан давуқон, жиддий европаликлар 1 апрелни шунчаки уйга, тикилиб олганча,

Хиндиистондаги машҳур Холи байрами ҳам кулги куни арафасида бўлиб ўтади. Бу одатда, мартаңнинг охири ва апрелнинг илк кунларига тўғри келади. Анъянага кўра, фестивалда кишилар бир-бирларига рангли кукунлар, сув ва зира-врорлар сепади. Бу билан улар эҳтимол одамлар қандай кўринишга ва рангга эга бўлмасин, аслида қалбан бир, яхлит эканини ифодаламоқчи бўлишар...

Интернет манбаларида келтирилишича, АҚШда ҳазил курбони «апрель ахмоги» (April fool) деб аталади. Бу сифатга «муносиб» бўлган одамлар фақат шу куни ранжимаслиги мумкин.

Айрим тарихий манбаларда бу одатнинг "ватани" сифатида Франция келтирилади. Анигроги, у ерда эски янги йил байрами 25 мартадан 1 апрелгача нишонланган бўлиб, фестиваль одамларнинг ўзаро совға алмалашади.

Bilasizmi?

барчасини четдан кузатиб ўтказиши ўзига эп кўрмас экан. Ахир кулги куни одамлар кутилмаган алдовлар, ёқимли ҳазиллар ҳамда гаройиб томошалар билан яқинларига ўзгача завқ, кўтаринки кайфият башишади. Колаверса, кимдир ўтган йили болплаб алдаган дўсти билан «орани очи» қилиб кўйишга тараддулади. Шу боис барча 1 апрелда санасида жиддийлик либосини ечади, ҳатто ҳазил



қўтаролмайдиганлар ҳам дўстлари, яқинлари учун «сабр» қиласди.

1 апрель ҳазил-мутойиблардан ташқари, ноодатий анъаналарга ҳам эга. Масалан, Янги Зеландия, Ирландия, Буюк Британия, Австралия ва Жанубий Африка Республикасида анъянага кўра, 1 апрелда инсонлар бир-бирларини фақат куннинг яримга кадар алдади мумкин. Кейинги ҳазиллар «апрель тентакликлари» хисобланади.

Ўта совуқонлиги ва деярли беъзтирослиги билан донг тарратган германияликлар эса жиддийликдан холи ушбу куни «Омадсиз кун» хисоблайди. Немислар азалдан шу санада туғилган инсонлар бир умр омадга ёлчимаслигига қаттиқ ишонади. Шунга қарамай, мамлакатда 1 апрель кулги куни сифатида нишонланаверади. Табиийки, инсонлар ушбу санани дўстлар даврасида, ажойиб ҳазиллар ҳамда яхши кайфийт ҳамрохлиди ўтказади.

Португалияликлар эса мазкур сана янада кувнок ўтиши ва эсда қоларли бўлсин учун бир-бирларига ун сепишаркан.

Ҳазиллари асия санъатининг пайдо бўлишига асос бўлган. Ўзбек ҳалқи маданиятининг акралмас кисми бўлган асия санъати айни дамда ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг жаҳон номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган.

Мутафаккирлардан бири айтганидек, кулги — ҳақиқатни ёлғондан фарқловчи восита. Шу маънода, кулги қочон ва қай тарзда ўзага келмасин, жамият ҳаётида маълум бир вазифани ўтаси, яъни инсон кулги орқали фақатгина кувониши эмас, балки ҳаёт ҳақиқатларини кўра олиши лозим.

Кулгининг турлари кўп. Уларнинг деярли барчаси, хусусан, ҳазил, латифа, пандия, ҳажв ҳамда асия каби сўз ўйинлари ҳалқимиз кон-конига сингиб кетган. Биргина Афанди латифаларини олайлик, уларни тинглаган киши борки, мароқ билан кулади. Машҳур кулги ҳаҳрамонни тилидан айтилган латифалар ҳамиша қишилар ўзига табассум улашади. Аслида латифаларнинг муаллифи эшак мингнаг Насридин Афанди эмас, балки ҳалқнинг ўзи. Шунчаки, утмишда бирор нарсанни ҳажв остига олишни истаган қишилар тузум ёки мансабдорлар тазиикидан кўриб, Афанди латифаларини тўйғиган.

Оғиздан оғизга ўтиб келетган латифаларни қизиқарли воқеа асосида яратилган қиска ҳикоя дез талкин этиш мумкин. Улар инсонлар фаoliyatiyining барча соҳаларини қамраб олади. Қишилар ўзига табассум улашувчи латифаларда, кўпичка, ҳаёт ҳақиқати акс этади. Демак, латифалар инсонни нафақат кулдиради, балки ўйлантиради ҳам.

Кулгининг қандай турлари бор?

Ҳажвий кулги, ижтимоий кулги, голибона кулги, асабий кулги, жазавали кулги, физиологик кулги, паталогик кулги, сунъий кулги ва ҳоказолар. Айрим кулгилар борки, улар кишини кулдиришдан кўра, кўпроқ ўйлантиради, бальзан йиглатади. Шундай бўлса-да, унинг ишқибозлари бисёр. Бу — заҳарханда кулги таърифини олган ҳажвиядир.

Ҳажвия долзарб мавзуларни қамраб олган холда, атрофадиги камчиликлар ва

манбаларга кўра, ҳажвиянинг илдизлари милоддан аввалги II асрда бориб тақалади. Тарихи Плинининг ёзишича, милоддан аввали VI асрда Гиппонакт исмли шоир бир инсон ҳақида ўтқир ҳажвия ёзади. Буни қарангки, кулги орқали иллатлари фош этилган ҳажвия ҳаҳрамони эл орасида шармисор бўлади.

VIII асрдан бошлаб ҳажвия Европа газета ва журнallарига худди «табии оғат» сингари кириб келди. Айниска, мамлакат зодагонлари ўша пайтларда ҳажв ҳаҳрамонларига айланниб қолишибдан саросимага тушиби қолишиади.

Шарқ ҳалқлари, жумладан, ўзбек адабиётида ҳажвия асосан шеърият ва ҳалқ оғзаки ижодиётида шаклланниб, кейинчалик мустақил жанр сифатида ривожланди. Кўпроқ танқидий руҳда ёзилган ҳажвий асарларда жамият ҳаётининг, шунингдек айрим гурух ёки шахсларнинг аксариати салбий томонлари тасвирланади. Ҳажвия турли жанрларда, хусусан, ҳажвий роман, ҳажвий пьеса, ҳажвий ҳикоя, ҳажвий фельтоён шаклида ёзилиши мумкин.

Ўзбек ёзувчиларидан Абдулла Қодирий ва Абдулла Қаҳҳорнинг ҳажвий асарлари ушбу жанрнинг ривожланишида асосий пойдерор вазифасини ўтаган. Ўзбек насрининг пешқадам вакилларидан бири Сайд Аҳмад эса кичик ҳажвий асарлари билан ўзбек радио ва телевидениесидаги миниатюралар театрига асос соглан. Ёзувчи, шунингдек, ўзининг ҳажвий ҳикояларидан тараққиётимизга тўсий бўлаётган ярамас уроф-одатлар устидан кулади, мухим маънавий масалаларни ўртага кўяди. Унинг «Ханка ва Танка», «Лампа шиша» каби ўнлаб ҳажвиялари жамиятдаги долзарб масалаларни қамраб олган.

Ҳажвияни жиддий кулги категорига киритиш мумкин. Боиси, унинг мақсад ва вазифаси никоятда салмокли. Шу маънода, у жамият ҳаётидаги айрим иллатларни йўқотиш, камчиликларни тутиш ва оддини олишга хизмат килади.

1 апрель куни ана шу ҳажвий ёзувчи шоирларнинг асарлари, йил мобайнида жавонда ётган латифа китоблари қайта варакланади. Одамлар худди кулги билан ёнма-ён юргандек бўлади. Ҳақиқатан, кун давомида кишига шодлик ва кувноқ, кайфият тухфа этиш учун эса етарлича ҳажвий билим, қобилият бўлиши лозим. Кулбид-кулдириб яшаш ҳар кунимизга, ҳар кимга ярашади. Муҳими, кулгимиз ҳеч кимнинг йигишига сабаб бўлмасин!

Ироди ТОШМАТОВА
тайёрлади.

2017-yil 1-aprel, № 26 (8987)

"ИЛОЖСИЗ ИШ"НИНГ ИЛОЖИ ТОПИЛДИ

Америкалик олимлар Күёшда Россби тўлкини деб аталувчи холат юзага келганини кайд этди. Эътиборлиси, бунга ўшаш холатни фақатгина Ер сайдрасида кузатиш мумкин. Тадқикот натижалари «Nature Astronomy» журналида берилди.

Ерда Россби тўлкинлари океанлар ҳамда атмосферанинг мўътадил кенгликларида учрайди ва об-хавога ўз тасирини кўрсатади. Бу ҳодиса 1930-йиллар охирида икlimishunoos Карл Густаф Аруд Россби томонидан аникланган.

Бундай тўлкинларнинг ўзига хос жihatи шундаки, улар сайдерамиз ҳаво қатламини ҳаракатта келтиради. Кўёшда эса кўёш атмосферасининг мўътадил кенгликларида магнит майдонининг ўзгаришига олиб келади, бу эса фазовий об-хавонинг тебринишига сабаб булади.

Астрофизика соҳасидаги ушбу ноёб кашифиёт SDO (Solar Dynamics Observatory) ва STEREO (Solar Terrestrial Relations Observatory) фазовий курилмалари ёрдамида кўлга киритилди. Унинг аҳамияти томони шундаки, олимлар Кўёш тизимдаги ягона юлдузни энди 360 даражали ракурсда ўрганиши мумкин. Аввал бундай тадқикотларни амалга ошириш иложсиз хисобланади. Сабаби, Ердан Кўёшнинг фақатгина бир тарафи кўринарди, холос.

ҚОН ГУРУҲИНИ 2 ДАҚИҚАДА АНИКЛАШ МУМКИН

Чунцин шахри (жануби-ғарбий Хитой) олимлари атиги 2 дақиқада инсоннинг қон гурӯхи ва резус-омилини аниқлаша усулини яратди. «China Daily» нашрида келтирилишича, янги ўсул нафакат вақт ва киймат жihatidan камхарж, балки лабораториядан ташкарида кўллаш учун ҳам кўлайдир.

Қон гурӯхини аниқлаш қон кўйиш, трансплантация, тури кечиктириб бўлмайдиган операциялар, ҳомиладорлик ва бошқа ҳолатларда жуда мухим аҳамиятга эга. Бугун шифохоналарда бунинг учун лаборатория центрифугалари кўлланади, жараённинг ўзи эса ярим соатча вақтни олади. Чунцин 3-ҳарбий тиббиёт университетининг нанотиббиёт гурӯхи мутахассислари бундан ҳам замонавий усулни кашиф этди.

Кашифиёт асосини қон кислоталилигига таъсирчан реагент ташкил этди. Сулоқлик намунаси ушбу реагент билан тўйинтирилган когозга тушурилганда конда энг кўп тарқалган оқсиллар альбуминлар билан реакцияга киришади. Қон рангининг ўзгаришига қарб унинг резус-омилини аниқлаш мумкин бўлади.

Мазкур дастур бўйича тадқикотлар 2014 йилдан олиб борилмоқда. Олимлар бу вақт ичida деярли 3,55 минг қон намунасини ўрганиб чиқди. Ушбу усулу аниклиги эса 99,95 фоизни ташкил этмоқда.

— Якин бир-икки йил ичida намунасони сониҳи кўпайтириб, аниқлик даражасини янада ошириш учун клиник синовларни давом эттироқимиз, — дейди тадқикот гурӯхи раҳбари Чжан Хун. — Хисоб-китобларга кўра, янги усул маҳкум технологиялардан 40 фоиз азрон бўлади. Уни якун уч йил ичida сотувга чиқаришини таъсир килиб, кишини бедаво дардга йўлиқтиради. Бундай ҳолатлар ўлим билан тугаш эктимоли юкориди.

Хуннинг сўзларига кўра, тибиёт ходимлари мазкур усул аниклигини 99,98 фоизда оширишини мақсад қўйган. Шунингдек, мутахассис зарур маҳсулотларни оммавий тарафда ишлаб чиқарib, эркин сотилишини йўлга кўйиш учун биокимёвий компаниялар билан музокара олиб бормоқда.

«CANDIDA AURIS» ҚАНДАЙ ИНФЕКЦИЯ?

Америкалик шифокорлар АҚШда инсонлар ўлимига сабаб бўладиган «Candida auris» замбуруни чиқаришчи ички инфекцияларнинг тарқалиш хавфи борлиги ҳақида огохлантироқда. Бу ҳақида «New Scientist» нашри маълумотига таяниб, «Lenta.ru» хабар берди.

Касалликларни назорат ва профилактика қилиш маркази (CDC) ҳамда АҚШ соғлики саклаш вазирлиги маълумотларига кўра, замбуруғи инфекция Нью-



юмкоқда.

Илк маротаба «Candida auris» замбуруғи 2009 йили Японияда аникланган. Шунингдек, Канада, Колумбия, Германия, Хиндустон, Исройл, Кения, Кувайт, Норвегия, Покистон, Испания, ЖАР, Жанубий Корея, Буюк Британия ва Венесуэла худудларида ҳам шундай беморлар аникланган.

2013 йил май ойидан 2016 йил августига АҚШда 13 та замбуруғ инфекцияси билан заарланиш холати рўйхатга олинган. CDC маълумотларига кўра, кейинги пайтларда касаллик тарқалиши уч баробар ортган.

Тадқикотчиларнинг таъкидларича, замбуруғ ва инсон ўтасида метаболик ушашник мавжуд бўлиб, заарланиш холатида биринчи ва иккинчи болганишлар хавфли саналади. Бу эса инфекцияга қарши курашувчи воситаларни ишлаб чиқариши кийинлаштиради. Хозир ушбу препарат устида Буюк Британия, Швеция, Япония давлатлари олимлари иш олиб бормоқда.

ХАВФЛИ ХАСТАЛИККА ҶАРШИ ВОСИТА

Мичиган универсиети олимлари прион касалликлари ривожланишини тўхтата оловчи даво чорасини топди ва антигистамин, астемизольдори воситалари прионлар кўйайшининг олдини олишида самарали эканни аниқлади. Бу ҳақдаги макола «Proceedings of the National Academy of Sciences» журналида ёзлон қилинди.

«EurekAlert!» сайтида маълум қилинничича, прион касалликлари хавфли ва давоғиз хасталиклар сирасига киради. Прион осциллари дастлаб чорва моллари, сўнг одамларни заарлостиши билан характерланади. АҚШда сигирлар кутурниш саллигига учрагани туфайли Европа Иттифоқидан 15 йил давомида мол гўшти импорти килиш тақиқлаб кўйилганди.

Олимлар оқсиллар амилоидлар (оксилларнинг агрегати)ни хосил қилишиб аввал уларнинг прион ҳолатига ўтиш тезлигини иккита лазер ёрдамида аниқлади. Улар амилоидларнинг максимал тезлидка хосил бўлишида ўтиш тезлигини диагпозони хавфли эканини кайд этган.

Изланувчиларнинг сўзларига кўра, ушбу диапазондан оқсилни чиқарib олиб, агрегатларнинг шаклланishi эктимоли мумкин.

Кейириучилар (хомяқ) миясидан ажралган прионлар устида олиб борилган таъкидалар шуни кўрсатдиги, оқсиллар мавжуд бўлган суюкликларнинг кислота миқдори нейтрал бўлса, ўтиш тезлиги секинлашади, аксинча, кислота миқдори кўп бўлса, амилоидларнинг кўйайиш эктимоли ортади. Агар ўтиш жароёни янада тезлаштирилса, прионлар агрегатларни шакллантиришга улгурмайди.

Бундай касалликлар сирасига инсонларда учрайдиган Крейтцфельдта-Якоба, ойлавий ўйқусизлик, сүвсизлик (куры), хайвонларда кузатиладиган кўтуриш, сурукали холисизланиш каби хасталиклар киради. Улар мия ва бошқа нерв тўқималарида кучи таъсир килиб, кишини бедаво дардга йўлиқтиради. Бундай ҳолатлар ўлим билан тугаш эктимоли юкориди.

Олимлар, шунингдек, аллергияга қарши дори — астемизоль воситаси амилоидларнинг кўйайшини бартараф килиш ва прионларнинг хосил бўлиши тезлигини сусайтирища самарали эканини аниқлади. Бундан ташқари, мутахассислар прион касалликларга қарши бошқа антигистамин воситалар борлигига умид боғламоқда.

Дилшод РЎЗИКУЛОВ ва ҮзДЖТУ талабаси Эъзоза НАЖИМОВА тайёрлади.

Республика таълим маркази раҳбарияти ва жамоаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Баҳтиёр Данйяровга онаси ЗАЙНАБ аяннинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Фавқулодда вазиятлар билимдонлари

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро мухофазаси институти ўқув марказида радиацион, кимёвий ва биологик (бактериологик) мухофаза ишлари гурӯхи вазиятлар тизимида худди шу соҳада фаолият олиб бораётган қўтқарувчиларни бошлангич тайёргарликдан ўтказиш ва малякасини ошириш ишларини амалга оширмоқда.

Ўқув жараёнлари соҳа бўйича махсус жихозланган хона ва ўқув майдонларида олиб борилайти. Ўқув хоналари зарурӣ назорат ўтчов асбоблари, жамланмалар, қарши курашиш воситалари, фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш во-ситалари ва бошқа зарур

кургазмали ўқув куроллари билан таъминланган.

Яна бир эътиборли жihatи, ўқув майдони радиациявий ва кимёвий авария ҳолатларини имитация қилиш учун зарур бўлган бино ва иншотлар, куверлар, резервуарлар, вентиллар, куудуклар ва авария ҳолатларини бартараф этиш мосламалари билан жихозланган.

Кутқарувчиларни ўқитиши назарий ва амалий машгуллар кўринишидан олиб борилмоқда. Хусусан, назарий машгулларни таъкидли ўқитувчилар ўқув хоналарида кўргазмали куроллар, видеопроекторлар, телевизор ва плакатлардан фойдаланиб, интэрактив усулларда олиб боради. Амалий машгуллар эса ўқитувчи ва ўтиричи ҳамкорлигига ташкил этилиб, асосан ўқув хонаси ва ўқув майдонида махсус химоя кийимлари ва имитация воситаларидан фойдаланиб, ҳақиқи авария ҳолатига яқинлаштирилган

вазиятларда ўтказилади. Шунингдек, амалий машгуллар Республика кўп тармоқли тез ҳаракат килиш марказида ҳам ташкил этилади. Интифитимиз Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби билан ҳам шартнома асосида ҳамкорлик килияпти. Бу ерда қутқарувчилар юкори ҳароратга чидамли ажратувчи химоя кийимлари ва махсус алоқа воситаларидан фойдаланиш ҳамда бошқа тадбирларни амалда баҳаротиши ўрганади. Колаверса, «Максам-Чирчик» очиқ акциядорлик жамияти би-

лан ҳам ўзаро тажриба алмасиб тураси.

Ўкув курси давомида кутқарувчилар дарсдан бўш вақтини институт спорти зали ва махсус майдонда ўтказиши, турли спорт ўйинлари ўйнаши мумкин.

Курс якунда улар бошлангич тайёргарлик ва маляка ошириш ўқув курслари олган назарий ва амалий билимлари бўйича махсус дастурланган компютерда тест синовидан ўтказилиб, саволлар асосида назарий ва амалий билимлари синалади.

**А.БОЙМИРЗАЕВ,
А.ДЕҲҲКОНОВ,**
Фуқаро мухофазаси
институти ходимлари

Пулхоким – мўъжиза

Пулхоким – тоғлар орасидаги хушмандзара, сўлим қишлоқ. Фалла, чорва, боф-роғ орқасидан рўзгор тебратидан одамлари ҳам дилкаш, самимий. Токларида шира бойлаб етиладиган узумлари, майзларининг овозаси узоқ-яқинда машхур. Қишлоқ яна умумталим мактаби, билимли, зукко ўкувчилари билан ҳам ном чиқарган. Кўпгина машхур кишилар, ижодкорлар, шифокорлар шу макондаги булоқ сувини ичб үлгайган.

Қишлоқдаги 28-мактабнинг кимё фани ўқитувчи, "Шуҳрат" медали соҳиби, ҳалқ таълими аълочиси Ашур Ҳакимов чораг асрки устоз мақомида. Ўркачлари баланд тоғлар бағридаги кафтадеккина қишлоқдан 183 нафар кимёгар етишиб чиқиши ҳам ҳазилакам гап эмас. Устозлар Ҳоним Тошбоев, Сафар Раҳмонов, Ашур Ҳакимов саъй-ҳаракати сабаб Пулхоким шифокорлару кимёгарлар қишлоғи деб донг таратадан.

Тўра Нафасов, Ҳушбоб, Ҳолмўмийон, Болта Ёриевининг "Бойсун топонимикаси" китобида қишлоқ номи "Пули хокин" (пул – кўприк, анзор устига курилган йўлакча, хок – тупрок) лойдан қўлининг кўприк, дея изоҳланади. Қишлоқдан хўйл тега чиқилса, шундай кўприк бор. Зарангбулоқдан бошланувчи Пулхокимий қишлоқни иккига ажратиб оқиб ўтади. Қишлоқ бошида Бобоқозоқ ва Такати деб номланган төғ ёққилари бор. Чўққилар ўртасидаги дарани бирлаштириб турган туп-

роқ кўприкни аҳоли хурмат билан "Жеркўпrik ота" дейди. Фарб томондаги зиёратгоҳни ҳалқ "Ҳазрати Эшон бобо" дейди. Қишлоқ кексаларининг айтишича, бу масканга келган киши баззи хасталиклардан фориҷланаркан. 54 метр тукурликдан қайнаб чиқадиган, йод мoddасига бой булоқ суви ҳам айлан шу зиётроҳ поидан сизиг чиқади.

Қарангич, неча замонлардан бери кучли жала, ёмғир, сед бетондан қурилган кўпrikларни бузуб кетсада, лойкўприкка зиён етмайди. Шу сабаб она табиат "ўзи яраттан" бу кўпrikни чинакамига мўъжиза дейшин мумкин. Пулхокимлиklär тупроқдан бино бўлган қадимий кўпrigи билан ҳақли равишда фаҳранадилар.

Очил тошқулов

Сурхондарё вилояти

Мендан ҳаётингизнинг асоси нима деб сўрашса, ҳеч иккиланмай болаларга меҳр-муҳаббат, дейман. Болалик – келажак ҳаётта тайёр гарлик эмас, балки чинакам ёрқин, ўзига хос такрорланмас давр. Шу сабаб болалиги қандай ўтди, устози ким эди, атрофдаги оламдан унинг кўнглига, юрагига нималар таъсир этди, деган гужруғ саволлар тақор түғилаверади. Бутунги ўкувчи ким бўлиб улгайшида ҳам болаликнинг ўрни бекїёс.

муддаомиз ҳам шунга яраша. Шундай болаларни кўрсан, сұхбатлашсан, ўғил-қизимизга "Ибрат ол! Қара, қандай ақли!" деймиз ҳавас билан. Нурафшон келажак кунларида яшашни истайсизми, унда болали мустақил фикрлашга ўргатин! Болалга факат ўкувчи, доимий ўрганувчи деб эмас, биринчи галда инсон, ўзига хос, қизиқшино қарашларига эга тақрорланмас шахс деб қарамоқ зарур.

«Колип»дан ташқарида

Таълим даргоҳида озми-кўпими ишлаб, қоракўз болажонларга ниманидир ўргатиши чоги тузуккина сабоқ олдим. Боланинг руҳий оламини фақат ўқиши билан андартмон қилиш ножонизлигини фан ёки бирор илмни мажбуран ўргатиб бўлмаслигини англадим. Биз, педагоглар эркин, ўз мустақил фикрига эта авлодни тарбиялашни орзу қиласиз, мақсад

Биз, ўқитувчilar гоҳи бир-биридан қобилиятли, истеъоди қайсиидир соҳада ярқ этиб очилган болаларини "қолип" ларимизга солисига, андозаларимизда яшашга мажбурлаймиз. Бу хотугури! Қуруқ машгуулот, бир-бирига ўхшагувчи маърузалар, назарий қонун-қоидаларни сал четта сурб, уларнинг кўнглига, дилидаги истакларни кулоқ солисига фурсатини топиш керак. Тўғри, ўқитувчи ва ўкувчи ўртасида муйайн чегара, ма-софа бўлмоғи шарт, бироқ унинг ҳам меъёри, ўтчови бор.

Нима учун сержаҳл, кеккайтан, умидсиз, гоҳи кўркувига кул болалар пайдо бўлиб қолади? Улар бутун ё кечакида чинакамга оламидаги таълим-тарбия, мактабу оиласадиги муҳ сабаб шундай қиёфага кирадилар. Агар ўқитувчи болага чинакам дўст, ҳамдам, ўрни келса, сирдош бўлса, сиз билан бизни қўйнаётган муаммолар сони камаярди.

Пўлатжон БОЙНАЗАРОВ,
Шаҳрихон туманидаги
51-умумталим мактаби
ўқитувчи

**Тиши бор, лекин тишила-
майди. (Ҳаскаш)**
Оғзи ўйқ, тиши билан
пичан ер. (Паншаҳа)
"Ишқаланиш кучи"
мавзусини ўтишда плуг
ҳақидаги топишмоқ маъ-
кулроқ. Буни босим мавзусида
кўллаш ҳам мумкин.
Чунки плуг тупроқ ичидаги
ўзини чархлаб, юзасини
камайтиради ва босим кўп
тушади.

Физикани мақоллар билин ўрганамиз

навий оламини бойитади.
Бола кундалик ҳаётда
қўраётган воқеа-ҳодисалар
ларга топишмоқлардан
жавоб излайди. Яна топ-
қирлик, ҳозиржавоблини
ўрганади.

Физикадаги айрим
қонуниятлар, чунончи,
"Булганиш ва конденса-
ция", "Тўйинган буғ"
мавзуларини ўтишда:

Ёзиб кумуш поядоз,
Совуқда экар шакар.

Шарбатсиз ясар но-
вовет,

Топинг сиз бермай ша-
ҳар (Қор) каби топиш-
моқлардан фойдаланиш
самаралиди.

"Оддий механизмлар"
мавзусида куч ва елка ту-
шунчаларида уй-рўзгор
анжомлари ҳақидаги то-
пишмоқлар кўл келади:

Ер ичидаги оқарар,
Ер устидаги сарғаяр.
(Плуг)

"Босим" га доури эса
куйидагича:
Қора тую қалтирайди,
Ковурғаси ялтирайди.
(Appa)

Қаттиқ жисмларнинг
механик хоссалари, мод-
даларнинг иссиқликдан
кенгайши" мавзуларида:

Чўзилиб ётар нарвон,
Ундан ўтар, уй – карвон

(Темир ўйл, поезд) каби
топишмоқлардан фойда-
лансан бўлди. Дарсларни
ҳалқ оғзаки ижоди наму-
налари кўмугдаша ташкил
этиши мавзуни ҳаёттаги таж-
рибалар билан bogлашга
хизмат қилади.

Матлуба ПУЛАТОВА,
Ромитан саноат касб-
хунар коллежи ўқитувчи

"MA'RIFAT" ga muktublar

Toshkenf shahri
Matbuotchilar ko'chasi 32-uy.
"Ma'rifat" gazetasini tahririyatiga

E-mail: info@marifat.uz

Тил тарбияси

Қорақалпоғистон Республикасида 10-максус мактаб-интернати ўқувчилари барча фанлар қатори ўзбек тили фанини ҳам қизиқиш билан ўрганади. Ўйлашимча, Ўзбекистонда яшаштган ҳар қайси инсон она тили билан бирга ўзбек тилини ҳам пухта ўрганомоғи, ўзбек халқининг моддий ва мъянавий мероси, тарихини билиши зарурат.

Ўзбек тили дарслари ҳозири ожиз ўқувчининг нағақат ақлий, балки руҳий соғломлигига ҳам ижобий таъсир қилади. Сабаби мактаб-интернатда ишлаётган

соғлом ва айрим ҳозири ожиз педагоглар ўқувчиларга қўлдан тўғри, унумли фойдаланишини ўргатишида муммийларга дуч келади. Бунда бизга қаттиқ қоғозга ёзилган Брайл шрифтидаги китоб матнлари, елимдан ясалган мева, сабзавот, ҳайвонлар, күшлар, кичик ҳайкалча ва қўйирчоқлар, бўш плакатларга қирқиб ёпиширилган шакллар ҳамда матога хунармандчилик намуналарни сифатида туширилган бўртма суратлар керак бўлади. Бу кўргазмалар ёрдамида бармоқ учидаги сезгини ўйтотиши,

ривожлантириш орқали ўқувчи тасаввuri ва тафаккурини кенгайтириш мумкин. Бадий ифодали ўқиши, нутқ маданиятини оширишда эса дарсларда берилган машқ ва топширик матнлари ҳамда ўзбек тилидаги таъсирли аудиороликлар аҳамиятлиди. Шу боис, ўзбек тили фани ва тўғараклари қорақалпоқ болаларининг тарбиясида муҳим ўринда туради.

Зарина ОЛИМОВА,
Нуқс шаҳридаги 10-кўзи
охиз ва заиф кўручи
максус мактаб-интернати
ўқитувчи

Ватанимни нега севаман?

Кеча ҳамма ишларимни тамомлаб, уйга вазифаларнинг ҳаммасини бажариб, ухлагани ётдим. Ҳадеганда уйқум келмагани учун телевизорни ёқдим. Бирор қизиқроқ кино ёки мультфильм берилармикан, дей каналларни ўтказавердим. Қайсиидар каналда турли мамлакатларда бўлаётган урушлар, она Ватанига хоинлик қилганлар ҳақида кўрсатув берилётган экан. Уйи күлтепага айланни, тўрт боласи кўчада қолган онаизорининг қақшаб йиглаётгани, болаларнинг оч-наҳор кўчаларда яшаштагани, ўз уйдан кувилган эркак-аёлларни кўриб, юрагим ачишиб кетди. Вой, бечора одамлар! Бир онажон нималарнидир айтиб, куйиб-куйиб йиглар, унга қўшилиб, катта-кичик болача-

лар ҳам тинмай йигларди. Раҳмим келди. Уларнинг бирорга зиёни тегмагани шундек билиниб турарди. Дадам бекорга: "Эл-юргитим тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, хонадонларимиздан баракот аrimасин!" дей дуо қилмасканлар-да! Энди тушундим ўйжоиси яшаш қийинлигини. Иккى кун аввал адабиёт музалимамиз ҳам: "Она Ватанидан азизорук гўша йўқ!" деб айтганди. Рост экан. Эртага бориб шуларнинг ҳаммасини устозимга, синфдошларимга айтиб бераман. Йўқ, яхиси, чораг охирида ёзидагин иншомда ҳаммасини тасвирлаб, "Мен Ватанимни нега севаман?" саволига жавоб ёзаман.

Маржона УМАРОВА,
Нурота туманидаги 3-умумталим
мактаби 7-сinf ўқитувчи

Саралаш мусобақалари қизғин кечмоқда

Биринчи Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли тизим — «Умид низомлари», «Баркамол авлод» ва Университет спорт мусобақалари ёшлилизнинг жисмоният соглом, маънан етук бўлиб камол тошишларида муҳим босқич вазифасини ўтамоқда. Бу йилги «Баркамол авлод—2017» спорт ўйинларига Жizzax вилояти мезбонлик қиласди.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасида ўқувчилари ўртасида ҳар уч йилда анъанавий ўтказиб келинаётган мазкур спорт мусобақасининг финал босқичига бериладиган йўлланмалар учун саралаш мусобақалари кизигандан кизимоқда.

Айни пайдада коллеж ўқувчиларининг энг севимли спорт байрамига муносабат тадорик кўришни таъминлашга масъул тегишли ташкилотлар ўзаро ҳаморликада маҳсус дастурни ишлаб чиқиб, мусобақалар ўтказилиши белгиланган Жizzax олимпија захирали коллежи спорт иншоотлари, Жizzax политехника институтининг футбол майдони, ушбу институт кошидаги академик лицеининг спорт залидаги катта хажмада таъмирлаш ва реконструкция ишлари бажарилди. Шунингдек, Жizzax шаҳridagi кўчалар таъмирланиб, эрта бахорда гул ва манзарали дарахт кўчалари ўтказилаётгани мезбон шаҳар кўркига кўркмоқда.

Мазкур мусобақа билан боғлиқ энг асосий воқеилик айни кунда саралаш босқичи бошланганидир. Жizzax вилояти ҳокимлигига ўтказилган тадбирда волейбол, футбол, баскетбол, кўл тўпи, бокс бўйича Намangan, Қарши, Самарқанд, Нукус ва Термиз шаҳарларида ўтадиган саралаш мусобақаларида катнашиш учун жўнаб кетаётган терма жамоалар аъзолари катнашади. Айни кунларда «Баркамол авлод» мусобақалари дастурига киритилган жами 17 спорт тури: баскетбол, футбол, волейбол, кўл тўпи, бокс, тенис, стол тениси, бадмinton, гимнастика, ёнгил атлетика, оғир атлетика, шахмат, сузиш, дзюдо, юнон-рум кураши, эркин кураш, таэквондо (WTF) ва бадминтон бўйича таҳжирли мурраббийлар ўқувчилар жамоалари билан машғулотлари фаол ўтказмоқда.

Юкорида таъкидлаганимиздек, ўғил ва киз болалар жамоалари ўртасидаги баскетбол бўйича саралаш мусобақалари Самарқанд шаҳрида ўтказилмоқда.

Кўл тўпи бўйича квалификация баҳслари эса Нукусда бошланди. Ҳозир Бердак номидаги Коракалпок давлат универсitetining янгидан курилган спорт залида хамда Нукус шаҳridagi ўйин турлари ва ёнгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган спорт мактабида мусобақанинг финал босқичига йўлланмани кўлга киритиш учун Коракалпогистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳridan 14 терма жамоа ўзаро куч синашяпти. Шубҳасиз, мазкур мусобақаларининг энг ҳаяжонли баҳслари футболчилар қарама-қаршилигида кузатилади. Қарши шахридаги «Геолог» мажмусаси ва «Насаф» футбол мактаби стадионларида «Баркамол авлод—2017» футбол мусобақасининг республика босқичигa саралаш ўтказилмоқда.

Унда 14 жамоа кўрья натижасига кўра тўрт гурухга бўлинган ҳолда катнашяпти. Ҳусусан, «A» гурухи: Тошкент шаҳри, Ҳоразм ва Намangan вилоятси, Коракалпогистон Республикаси, «B» гурухи: Қашқадарё, Жizzax ва Андижон вилоятси, «C» гурухи: Сирдарё, Самарқанд, Бухоро ва Сурхондарё вилоятси, «D» гурухи: Тошкент, Навоий ва Фарғона вилоятси.

Мазкур масульиятли босқичда голиб бўлган спортилар «Баркамол авлод» спорт мусобақаларининг мамлакат босқичида ўз вилояти шарафини ҳимоя қиласди.

Термиз шаҳрида ўтган бокс бўйича саралаш мусобақасида муҳлислар бир-биридан қизиқарли муштлашувларга гувоҳ бўлди. Дарвоже, жорий йилда бокс жанглари яна бир вази(81 кг)га кўлади ва 8 тага ўтказилди. Ҳудудий саралаш баҳсларининг энг охиргиси — волейбол мусобақалари 8—13 апрель кунлари Намangan шаҳрида ўтказилади.

МУХБИРИМИЗ

Юртимизда спортга берилётган юксак эътибор ва яратилётган шароитлар туфайли сўнгги ўйинларда спортчиларимизнинг ҳалқаро турнирлардаги иштироки ва медаллари сони сезиларли даражада ошиди. Қувонарлиси, мамлакатимиз ҳам дунёning энг муҳим спорт мусобақалари мезбонлик қиласи, ҳалқаро экспертлар эътирофига сазовор бўлаяпти.

Фолиб бўлиш учун сабаблар етарли

Ҳусусан, бугун пойтакти-миздаги «Ле Гранд Плаза» меҳмонхонасида 8, 10, 12, 14, 16 ва 18 ёшгача болалар ва ўсмиirlar ўртасида бошланган шахмат бўйича Осиё чемпионати ҳам шулар жумласидандир.

Нуғузли мусобақада китъамизнинг 18 давлатидан 382 нафар ёш шахматчи голибли учун баҳслашади. Голиблик учун асосий дъявогарлар орасида Омиди Ария (2418, Эрон), Сапармурод Отабоев (IM, 2415, Туркманистан), Тран Мин Танг (FM, 2406, Вьетнам), Таҳбаз Араш (2398, Эрон), Денис Махнёв (IM, 2374, Қозогистон), Митраҳба Гуҳа (FM, 2348, Хиндистон), Ҳагаван Ааканшка (WIM, 2272, Хиндистон), Мубина Алинасад (WFM, 2220, Эрон), Батсурен Дамбасурен (FM, 2194, Мұғалистан), Ивана Мария Фуртадо (WIM, 2150, Хиндистон), каби юкори рейтингга эга шахматчилар бор. Бу эса чемпионат савияси нечоғлик юкори эканни англатади.

Ушбу мусобақада мамлакатимиз шарафини 117 нафар ёш шахматчимиз ҳимоя қиласди. Жумладан, ўз ёш тоифасида етакчилардан хисоблан-

ган Нодирбек Абдузатторов (IM, 2429), Нодирбек Ёкубов (2427), Сайдакбар Сайдалиев (2385), Жавоҳир Синдоров (CM, 2374), Абдусиддин Воҳидов (IM, 2370), Абдумалик Абдузалимов (FM, 2313), Гулрухбеким Тоҳиржонова (WGM, 2297), Баҳора Абдузатторова (WIM, 2161), Исломбек Синдоров (CM, 1965), Алихон Аваҳонов (1735), Ҳумоюн Бекмуродов (CM, 1577), Афруза Ҳамдамова (WCM, 1449), Одина Олимова (WCM, 1308) каби ёшларимиз терма жамоамиз газнасига медаллар тақдим этишига ишонамиз.

Осиё чемпионатининг тантанали очишиш маросимидан сўнг 7 турдан иборат рапид мусобақаларига старт берилади. Демак, бугуннинг ўзида китъя чемпионатининг дастлабкиsovрindорлари номини билib оламиз.

Эслатиб ўтамиз, «Ўзбекистон» ва «Ле Гранд Плаза» меҳмонхоналарида 2—8 апрель кунлари (3 ва 5 апрелда 2 турдан) 9 турдан иборат стандарт шахмат мусобақаси ўтказилиди. 9 апрелда ўтказилиши мўлжалланаётган блиц мусобақасида ҳам голиблар 9 тур натижаларига кўра аникланди.



Чемпионат якунида энг кўп медаль жамғарган уч давлат терма жамоасига кубок топширилади. Шахсий хисобда олтин медал сазовор бўлган шахматчилар ўз ўз тоифасида шу йили кузда Бразилия (8, 10, 12 ёшгача) ва Уругвайде (14, 16, 18 ёшгача) ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этади.

Шунингдек, 18 ёшгача ўсмиirlar ўртасида 1-ўринни олган шахматчига ҳалқаро тоифадаги спорт устаси (IM), шахматчи қизга эса хотин-қизлар ўртасида ҳалқаро тоифадаги спорт устаси (WIM) унвони берилади. 2- ва 3-ўринни олганларга эса FIDE устаси (мос равишда — FM/WFM) унвони тақдим этилади. Бундан ташқари, 16 ёшга чо тоифасида олтин медалга сазовор бўлган шахматчиларга FIDE устаси (мос равишда — FM/WFM) унвони берилади. Барча олар маҳсус музобақа ўтказилиши мўлжалланаётган блиц мусобақасида ҳам голиблар 9 тур натижаларига кўра аникланди.

Ушбу мусобақада иштирок этадиган юртдошларимизга омад тилаймиз.

Хусан НИШОНОВ

Умидли полвонлар беллашуви

Қўшқўпир туманинда 30-умумтаълим мактабида ёркин кураш бўйича туман биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Туман ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси худудий филиали ва бошقا қатор ташкилотлар ҳамкорлигидаги ташкил этишган беллашувда 100 нафарга яқин ўғил-қиз 22, 26, 29, 32, 35, 38, 42 ва 47 килограмм вазн тоифаларида гиламга тушди.

— Қишлоқ жойлардаги ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзига кенг жалб этиш, улар ўртасида миллий спорт турларини янада оммалаштиришда бу каби мусобақалар мухим ўрин тутади, — деди туман XTMFTTЭБ мудири Умид Исмоилов. — Жорий ўқув йилда туман БўСМ қошида Фозотов, Хонобог сингари олис қишлоқлардаги умумтаълим мактабларида ёркин кураш бўйича кўчма

тўгараСлар фаолияти йўлга кўйилгани спортсевар ўқувчилар учун айни мудда бўлди.


Қизгин баҳсларга бой тарзда ўтган беллашув якунида таҳжирбали мураббий Ҳолмурод Дўсжонов шогирдлари — Иззатулло Раззоқберганов, Зафар Ниёзметов, Диёр Бозорбоеv, Риёбек Пўлатов, Зафар Курбонбоеv, Асадбек Озодов, қизлардан Зилола Пўлатова, Руҳшона Юсуфбоева ўз вазн тоифаларида ғалаба қозонди. Эркин кураш бўйича 17-умумтаълим мактабида ўтказилиши олайтган Отабек Рустамбоеv, Умрек Шомурудов, Отахон Маратов сингари умидли полвонлар зафар кўди.

Мусобақа голибларига диплом, медаль ва эzsдалик совғалари берилди.

Турсуной САТТОРОВА,

Қўшқўпир тумани болалар ва ўсмиirlar спорт мактаби директорининг ўқув ишлари бўйича ўрнинбосари

Бола билан олами гўзали



Болани бежиз гулга қиёсламаймиз. Нозик ниҳолни қанчалар авайлаб ўстирсан, болага ҳам шундай эътиборда бўламиш. Ёшликда эгалланган билим фарзандларимизнинг келажагини белгилайди. Мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол вояга етиши учун барча шароитлар яратилган. Буни мактабгача таълим муассасалари фаолияти мисолида ҳам кўриши мумкин.

Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 567-МТМда 290 нафар бола таълим-тарбия олмоқда. Муассасада болажонлар инглиз тили тўғрагидаги чет тилларни илк ёш давриданоқ ўрганиб боришмоқда. Бадий гимнастика тўғрагидаги қизалоқлар машқларни маромига етказиб ижро этмоқда.

— Президентимизнинг "2017—2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чорадабирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида боғчамида ота-оналар учун мулоқот хонаси, ҳар бир гуруҳда болалар учун кутубхона ташкил этганимиз, — дейди МТМ мудираси Мирсоато-



ва. — Кутубхонада болаларнинг ёшига мос қизиқарли эртак ҳамда турли бадиий, тарбия оид китоблар мухайё. Китобхон болалар сони кундан кунга ортмоқда. Бундан жуда ҳам мамнунмиз.

Муассасада миллий хунармандчилик асосида яратилган буюмлардан иборат бурчак ташкил этилгани тарбияланувчиларимизнинг миллий анъаналаримизга ҳурмат руҳида улфайишида мухим омил бўлмоқда. Шахмат ва шашка тўғраги ҳам болажонлар билан гавжум. Мусиқа дарслари болаларнинг севимли машгулости. Уларга миллий чолгуларимиз ҳақида тушунчалар берилборилади. Бир сўз билан айтганда, муассасада яратилган барча шароитлар болажонларимизнинг баҳти ва соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмай улфайишига замин яратмоқда.

Феруза ХОЛМУРОДОВА,
"Ma'rifat" мұхбари

Бурхон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Ma'rifat

**TA'SIS
ETUVCHILAR:**

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi,
O'zbekiston Oliy ya o'rta maxsus
ta'lim vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Bosh muharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrdra 0067-raqam bilan ro'yxatga
olangan. Indeks: 149, 150. Г-415. Tiraji 52143.
Hajmi 4 bosma taboq. Offset usulida bosilgan,
qo'qoz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:
qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.



«Ma'rifat» dan
materiallarni ko'chirish
bosish tahririyat
ruxsati bilan amalga
oshirilishi shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqriz
gilinmaydi va muallifiga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

O'zA yakuni — 22.15 Tophirildi — 23.20

MANZILIMIZ:
100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marfat.uz

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA, Faxriddin RAHIMOV,
Navbatchi muharrir:
Dilshod RO'ZIQULOV,
Navbatchi:
Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

1 2 4 5 6